O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 1 октябрь, жума • № 78 (11.161) • Эркин нархда сотилади

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу — ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижаноб инсоний фазилатлар камол топади.

Шу боис барчамиз ўқувчилик йилларини ҳаяжон ва соғинч билан эслаймиз, меҳнаткаш ва меҳрибон устозларимизни ҳамиша эзгу сўзлар билан хотирлаймиз.

Устозни отадан улуғ деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бизга лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди. Биз улардан умрбод қарздормиз.

Азиз муаллимлар!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда сизларнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

Бу дастур мавжуд таълим-тарбия тизимини ўзгартирибгина қолмасдан, балки биз орзу қилаётган янги авлодни тарбиялайди.

Янги авлод деганда мен, аввало, ўзлигини теран англаган, улуғ мутафаккир аждодларимизнинг буюк ва бетакрор меросига муносиб ворис бўлган, шу билан бирга, илм-фан чўққиларини эгаллашда маърифий дунёда ҳеч кимдан қолишмайдиган навқирон фарзандларимизни назарда тутаман.

Ана шу авлодни тарбиялайдиган Миллий дастур энг катта орзу-умидларимизни, муқаддас интилишларимизни рўёбга чиқарадиган, ҳозирги ва келажак ҳаётимизнинг равнақини белгилаб берадиган асосий омилдир. Бу шарафли вазифа бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни кўзлаб яшаётган халқимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Лекин биринчи навбатда бу эзгу иш сиз каби маърифат фидойиларининг давлат ва халқ олдидаги муҳим ижтимоий ва инсоний бурчидир.

Мана шу улкан ва ўта масъулиятли вазифани адо этишингизда давлатимиз ва жамиятимиз муҳтарам муаллим ва мураббийларимизни эъзозлаш ва ардоқлашда, сиз азизларга муносиб шарт-шароит яратишда ҳеч қандай куч ва маблағини аямайди, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Азиз устозлар!

Сизларни байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга соғлик-омонлик, бахту саодат, шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



*• БУ ЁРУҒ жаҳонда шундай бир шарафли ва улуғ касб борки, уни ҳамма — каттаю-кичик эъзозлайди, бу касб соҳибларидан ўзларини ҳамиша қарздор деб биладилар. Зотан, улар ҳар бир инсонга ёшлигида ўқиш ва ёзишни ўргатади, оқ-қорани танитади, илм-фан чўққилари сари йўналтиради. Уларнинг номини ўқитувчи ва мураббийлар, бир сўз билан айтганда, устозлар деб атаймиз.*

*Бўка туманидаги 8-тарих фани бўйича Республика синов мактабининг олий тоифали ўқитувчиси Усмон Жўраев ҳам ана шундай табаррук муаллимлар сирасига киради. У салкам ўттиз йилдан буён талабаларга тарих фанидан дарс бериб келади. «Соғлом авлод учун» ордени нишондори, тажрибали олим-муаллим ўша йиллар мобайнида 5та ўқув қўлланмаси, кўплаб услубга тааллуқли мақолалари билан зиёлилар ўртасида кенг танилди, катта обрў-эътиборга сазовор бўлди.*

***СУРАТДА:** У. Жўраев ўз дарсхонасида.*

***Даврон АҲМАД** олган сурат.*

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 сентябрь куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.***

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли ташкилот билан алоқа ўрнатганига кўп бўлмаган эса-да, икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, ташкилотнинг 1996 йили Лиссабонда бўлган саммитида мамлакатимиз раҳбари минтақамизда барқарорликни мустаҳкамлаш, можароларни бартараф этиш, қурол-яроғ контрабандасига қарши курашда ЕХҲТнинг иштирокини кенгайтириш таклифини илгари сурган эди. Бу таклиф саммит сўнггида қабул қилинган Лиссабон декларациясида ўз ифодасини топди. 1997 йилда эса ЕХҲТнинг ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳам ЕХҲТнинг парламент ассамблеяси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Бир сўз билан айтганда, минтақавий хавфсизлик, экология, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, фуқаролар жамияти барпо этиш, демократиялаштириш ва инсон ҳуқуқларига оид кўплаб соҳаларни қамраб олган Ўзбекистон-ЕХҲТ ҳамкорлиги тобора кенгаймоқда.

Учрашувда Президент Ислом Каримов ушбу ташриф ЕХҲТ раҳбариятининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга, парламент ва Президент сайловлари арафасида мамлакатимиздаги вазият билан бевосита танишишга бўлган интилишининг ифодаси эканини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ЕХҲТ томонидан минтақамиздаги жараёнларни ўрганиш бўйича махсус миссия ташкил этилаётганига ҳам тўхталиб, бу ташаббусни юқори баҳолади ва у минтақа мамлакатларининг ташкилот фаолиятида янада изчил иштирокини таъминлашини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

***(ЎзА).***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА, ИЧКИ ВА ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1999 йил октябрь-ноябрь ойларида 1972-1981 йилларда туғилган, чақириқни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 29 сентябрь.

## ТЕЗКОР ГУРУҲ ХАБАР ҚИЛАДИ




***ТОШКЕНТ вилоятида ҳам пахта ҳосили тўла пишиб етилиб, йиғим-терим оммавий тус олди. Терим агрегатлари бирин-кетин далага чиқмоқда. Отни барвақт қамчилаган бригадалар, фермерлар, пудратчи оилалар йиллик шартнома режаларини бажармоқдалар. Бу ҳақда таҳририятимизга келиб турган хушхабарлар оқими тезлашмоқда. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

### ЧИНОЗ

«ГУЛЗОРОБОД» жамоа хўжалигининг Гамлет Йўлдошев бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик режасини туманда биринчилардан бўлиб етти иш кунида бажарди. 59 гектар майдондан биринчи теримдаёқ 166 тонна хомашё йиғиштириб олиниб, ҳаммаси биринчи навга сотилди. Шу кунгача икки тоннага етказиб «оқ олтин» теришга эришган Комила Дўлтаева, Холниса Нодирова, Юлдуз Нуриева сингари чевар теримчилар бригада ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар. Жамоа аҳли ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мақсадида йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқда.

«Эшонобод» жамоа хўжалигининг Ўринбой Абдулахатов етакчилик қилаётган бригадаси ҳам биринчи теримдаёқ гектаридан 25 центнердан хирмон уйиб, дастлабки довондан ошди. Ҳосилдорлик 25 центнерданга тўғри келди. Хирмонга уйилган пахтанинг 34 тоннаси, яъни учдан бир қисмидан кўпроғи машиналарда терилди.

Бригада даласида ҳали ҳосил мўл. Деҳқонлар гектаридан яна камида беш центнердан хомашё йиғиштириб олишни режалаштирмоқда.

### ПСКЕНТ

ТУМАНДАГИ Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Қобул Қаршибоев бошлиқ бригадаси жамоаси 4 иш кунида йиллик режани муваффақиятли бажарди. Давлат хирмонига 73 гектар майдондан 190 тонна юқори навли «оқ олтин» етказиб берилди. Бу ишга механизатор Хисом Шамсуддинов муносиб улуш қўшди. У ўзининг «Кейс» русумли машинасида 100 тоннадан зиёд хомашё териб берди.

Шунингдек, «Пскент» ташқи бошқарув хўжалигининг аъзоси фермер Юсуф Қаршибоев ҳам йиллик маррани эгаллади.

### БЎКА

ОЙХЎЖА Йўлдошев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Пўлат Асроров бошлиқ «Юлдуз» мустақил фермер хўжалиги деҳқонлари 44 гектар майдондан биринчи теримдаёқ 120 тонна юқори навли хомашё йиғиштириб олиб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Ҳозирғача хирмонга 2 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб тўккан Ҳалима Элбоева, Сафаргул Ортиқова, Ирода Собирова, Дилрабо Арслонова, Комила Ҳолиқова сингари чевар теримчиларнинг ҳар бири шу кунларда ҳам 150 килограммдан ошириб пахта термоқдалар. Уларнинг эндиги мақсади — ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш.

Тумандаги Жамбул номли ширкат хўжалигида бирйўла олтита пудратчи оила хўжалик бошқаруви билан тузилган шартномани муддатидан илгари адо этди. Тўйчи Файзиев оиласи 3 гектар майдондан 31 центнердан, Рустам Хўжақулов, Ҳайрулла Эргашев ва Карим Ҳалимовлар оиласи эса 28-29,5 центнердан хирмон уйди.

## «ОЛМОС-М»НИНГ ФИДОЙИЛАРИ

***ЧИНОЗ туманидаги «Олмос-М» ҳиссадорлик жамияти ҳашарчилари зиммага олинган 27000 ўрнига 27600 килограмм оқ олтин топшириб, шартномани ортиғи билан уддаладилар.***

Ҳашарчиларда ҳам шартнома, мажбурият бўладими, деб ҳайрон бўлманг. «Олмос-М» жамоаси ҳар йили ўзлари учун шундай режа белгилаб олганлар ва йиғим-теримда деҳқонларга ҳақиқий кўмакдош бўладилар. Бу йил ҳам улар йиғим-терим ишлари бошланган кунлардаёқ этак боғлаб пахтазорга чиқдилар. Айни кезларда ҳиссадор ҳашарчиларнинг ҳар бири ўртача 60-70 килодан пахта термоқдалар.

Ҳашарчилар жамоаси бор имкониятларини ишга солиб, бу йил далалардан кам деганда 50 тонна ҳосилни териб беришга бел боғлаганлар. Йиғим-терим ишларида Шарифа Тожибоева, Робия Абдуғаффорова ва Турғуной Йўлдошевалар пешқадамлик қилишмоқда.

***Орзиқул МАЪМУРОВ.***

## МУКОФОТ МУБОРАК!

***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг 1999 йил 28 сентябрдаги «Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан Республикада таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ўзининг фидойилиги билан кенг жамоатчилик иззат-ҳурматига сазовор бўлган республикамизнинг бир қатор ўқитувчилари ва мураббийлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги фидойи ўқитувчилари ва мураббийлари ҳам бор.***

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Икромова Гавҳар Жўраевна** — Қибрай тумани 15-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси.

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Рихсиев Акмалжон Акрамович** — Зангиота тумани 29-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Сманалиева Азрупат Абдураимовна** — Юқоричирчиқ тумани 10-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

**I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бозорбоев Набижон** — Бекобод тумани 13-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

**Қаландаров Акбар** — Ўртачирчиқ тумани лицей-интернатнинг кимё ўқитувчиси.

**II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕН БИЛАН**

**Жўраева Нигора** — Зангиота тумани 14-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

**Юсупова Муножот Шокировна** — Бекобод шаҳар 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Спиридонова Любовь Александровна** — Оҳангарон шаҳар 3-болалар боғчаси тарбиячиси

**Тренина Нелля Салимовна** — Олмалиқ шаҳар 16-гимназиянинг математика ўқитувчиси

**Чернова Надежда Валентиновна** — Чирчиқ шаҳар 9-мактабнинг расм ва чизмачилик ўқитувчиси.

**«ШУҲРАТ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ариббоева Мукаррам Собировна** — Паркент тумани 31-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Аҳмаджонова Раъно Раҳмонкуловна** — Оққўрғон тумани 6-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**Аҳмедова Кабира Баҳромбековна** — Бўстонлиқ тумани 14-болалар боғчаси тарбиячиси

**Башаров Курбан Зулпхарович** — Қуйичирчиқ тумани 40-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Исаева Каромат** — Пскент тумани 3-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Палванова Азиза Бахромовна** — Чиноз тумани болалар мусиқа мактаби директори

**Позилова Гулистон Марифовна** — Ангрен шаҳар 44-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Салимова Малика Мақсуджоновна** — Бўка тумани 5-мактабнинг рус тили ўқитувчиси

**Толипов Рустам Абдуваҳидович** — Оҳангарон тумани 8-мактабнинг география ўқитувчиси

**Тошпўлатова Насиба** — Тошкент тумани 19-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Тўлаганова Хурипа Тўлагановна** — Янгийўл тумани 16-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

**Шарипова Розияжон** — Қибрай тумани 1-касб-ҳунар лицейининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Юнусов Мирсаид** — Бекобод тумани 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Қурбонова Хайрхон Абдуллаевна** — Янгийўл шаҳар 6-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Мўминов Абдуғани Сайдалиевич** — Ўртачирчиқ тумани 29-мактаб директори.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Рихсиев Тоҳир** — Тошкент тумани 1-мактабнинг физика ўқитувчиси.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**

**Миербеков Мухитдин Ҳамидович** — Чирчиқ шаҳри Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти мураббийси.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** биз ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда фидойи меҳнатлари билан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган устозларимизни чин кўнгилдан муборакбод этамиз.*

## ОҲАНГАРОНДА ҚУТЛАДИК...

***29 сентябрь куни Оҳангарон шаҳридаги касб-ҳунар коллежининг мухташам биноси ўзгача файз-таровват касб этди. Шу куни бу ерда вилоятимизнинг устозлари, муаллимлари, фахрийлари, мураббий ҳамда ёш мутахассислари анъанавий байрамларини нишонлаш учун жамулжам бўлишди.***

Устоз, муаллим... Бу икки сўз замирида жуда катта маъно, жуда катта ҳикмат бор. Зеро, ҳаётда улардан сабоқ олмаган ким бор! Бугун байрам баҳона уларга дилимиздаги энг самимий тилаклар, миннатдорчиликларимизни айтсак ҳам оз. Чунки уларнинг меҳнати ғоятда улуғ ва савобдир... Куни кеча юртбошимизнинг фидойи устоз-муаллимларга юборган табрик хатларидаги сатрлар кимни тўлқинлантирмайди, дейсиз. Яна бир нарсани алоҳида таъкидламасак бўлмас. Мустақил Ўзбекистон ўз устозлари, муаллимларини, уларнинг фидойи меҳнатларини ғоятда қадрламоқда.

Куни кеча республикамиз Президентининг Фармонига мувофиқ мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган халқ таълими ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари ва фахрий унвонларига сазовор бўлганлиги бунга бир мисолдир.

— Хўш, ер юзининг қайси бир мамлакатида устоз аталмиш, муаллим аталмиш зотга шундай эътибор, эҳтиром мавжуд, ёки қайси бир мамлакат-

(Давоми 2-бетда).

